

Ассалому алайкум, азиз ва дилбар аёлларимиз, лобар опа-сингилларимиз!

Аввало, сизларни, сизларнинг тимсолингизда мамлакатимиздаги барча онахонлар, опа-сингиллар, лобар қизларимизни эзгулик ва гўзаллик байрами 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан шахсан ўзим қолаверса, вазирлигимиз жамоаси номидан чин қалбдан муборакбод этаман.

Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром қўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки сизлар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод ва нурафшондир.

Ватанимиз тараққиётида, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизлар муҳим ўрин ва мавқега эга. Аёлларимиз мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги барча соҳаларда самарали меҳнат қилиб келишмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз транспорт соҳасида ҳам сиз каби юзлаб оқила аёлларимиз бугун биз билан баравар меҳнат қилишмоқда. Соҳа ривожи, юрт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишмоқда.

Юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасида эканлиги билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Зеро, айнан аёлга ҳурмат ва эҳтиром қўрсатиш, жамиятда уларнинг муносиб ўрин эгаллаши учун барча шарт-шароитларни яратиш, бу орқали эса оиласалар фаровонлигига эришиш муҳтарам Президентимиз томонидан юритилаётган ижтимоий адолатга асосланган сиёсатнинг асосий йўналишидир.

Транспорт тизими шубҳасиз мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан биридир. Ушбу ғоят мashaққатли синовларга тўла соҳада ўз касбингиздан барака топиб, ҳам иш, ҳам оиласа улгуреётганингизнинг ўзи улуғ жасорат.

Биз бугун ўзининг фидокорона меҳнати, эришган улкан ютуқлари, давлат ва жамоат ишларидаги фаол иштироки, ибратли фазилатлари билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор қозонган юзлаб опа-сингилларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Хусусан, 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида Президентимизнинг тегишли фармони билан «Ўзаэронавигация маркази» давлат унитар корхонасининг Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш автоматлаштирилган тизими Тошкент маркази ҳудудий бўлинмаси диспетчери Васильева Татьяна Александровна **«Дўстлик» ордени** билан Самарқанд вилояти транспорт бошқармасининг трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси трамвай ҳайдовчиси Азимова Гулмира Джакановна, «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятининг кўприкли кран машинисти Сулаймонова Гулчехра Тохир қизи_ ҳамда Балиқчи тумани йўл хўжалиги пурдат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ишчиси Мехмонова Рўзихон Абдувалиевна **«Шухрат» медали** билан тақдирланди.

Қолаверса, Тошкент давлат транспорт университети Транспорт иқтисодиёти кафедраси мудири Юлдашева Соадат Арислановна **“Мўътабар аёл”** кўкрак нишони билан тақдирланди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу мукофот соҳибаларини транспорт соҳаси вакиллари, вазирлигимиз жамоаси ҳамда ўз номимдан чин қалбдан муборакбод этаман.

Хурматли опа-сингиллар!

Сўзимнинг охирида барчангизни Халқаро хотин-қизлар байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга оиласи хотиржамлик, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилайман. Доимо халқимиз, Ватанимизнинг юксак меҳри ва ардоғида бўлиш ҳаммангизга насиб этсин!

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири

Маҳкамов Илҳом Рустамович

2023 йил 7 март